



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

www.uzas.uz

2023-yil 6-oktabr №39 (4750)

“Менинг биринчи асосий “қутубхонам” аждодларимдан мерос бўлиб қолган кўшиқлар, афсона ва ривоятларга тўлиб-тошган, ўзим туғилиб ўсган Талас водийси бўлган. Шу ерда илк бор манасчилар – “Манас” эпосини айтувчи оқинларнинг садоларини тинглаганман”, деб ёзган эди буюк ёзувчи Чингиз Айтматов “Бизни кашф этган китоблар” номли эссесиди.

Ёзувчи умрининг кўп қисмини ўзи туғилиб ўсган водийлардан олисларда ўтказган бўлса-да, унинг асарларидаги аксарият қахрамонлар киргиз кишлоқларида, даштларда, тоғу тошларда умр кечирган оддий халқ вакиллари. Улар миллий урф-одатларга амал қилишган, қадимги афсоналарга ишонишган... Қирғиз далалари, кенгликлари, қир-адирлари бағридаги сирларни, она тупроқ дардини қалбдан хис этган ёзувчининг умр йўли ва асарларида қаламга олинган воқеалар бир-бирига уйкашлигини, улардаги ҳаёт ҳақиқатлари афсоналарга йўғрилиб тасвирланганини хис этамиз.

Бу гал Бишкекка борганимда афсоналар қандай яралишига гувоҳ бўлдим. Шаҳарнинг ўзи ҳам файзли, дарактзор, олис-яқин тоғлар кўзга кўришиб туради. Мавзелар оралатиб қўйилган маҳобатли хайкаллар бадиийлиги билан хайратга солади, ўзига хос ифодали асарлар. Шаҳарга келган сайёҳларда ёдгорликлар катта таассурот қолдиради.

Яқинда бир гуруҳ олим, ижодкор ва журналистлар Бишкекда бўлиб ўтган МДХ мамлакатлари зиёлиларининг XVI анжуманида иштирок этиб қайтдик. Анжуман дастурига Чингиз Айтматов номи билан боғлиқ учта тадбир киритилган экан. Анжуманнинг биринчи кунини “Ота Байит” ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилиб, Чингиз Айтматов қабрига гуллар қўйдик. Шу оқшом ёзувчининг “Оқ кема” асари асосида режиссер А.Суюндиқов суратга олган бадиий фильм намойиш этилди. Келаси кун эса, Қирғиз миллий кутубхонасида “Чингиз Айтма-

тов ва замон” мавзусида конференция бўлди.

“Ота Байит” ёдгорлик мажмуаси тарихи гўё афсонадек – ақл бовар қилмас қайгули воқеалар, адолат қарор топиши, инсоннинг ҳаёт учун курашдаги ғалабаси билан ниҳоятга етди. Бу тарих салкам олтмиш йиллик даврни камраб олади.

“Ота Байит” сўзини эшитганда ёзувчининг “Асрга татигулик кун” романидаги “Найман она ва манкурт” ҳақидаги Сариўзак афсонаси ёдингизга тушади: “... Она Байит қабристонининг ўз тарихи бор. Ривоятга кўра, ўтган замонларда Сариўзакни босиб олган жунгжанлар асирга тушган жангчиларга нисбатан беҳад шафқатсиз эканлар. Улар кези келиб бундай тутқунларни кўшни йўқларга қул қилиб юборишар экан. Бу эса тутқуннинг омади келгани ҳисобланар экан. Чунки сотиб юборилган қул эртами-кечми, бир кун ўз ватанига қочиб кетиши мумкин экан-да. Жунгжанларнинг қўл остида тутқун бўлиб қолганларнинг эса шўри қурир экан. Улар маҳкумнинг бошига тери қалпоқ тортиш йўли билан даҳшатли бир тарзда қийнаб, унинг хотирасини йўқотар эканлар...”

Инсон хотираси ҳақидаги бу аламли афсона одамзодни ўзлигини унутмасликка даъват этиши, огоҳликка чорлаб туриши билан ҳақиқатга айланади! Чунки ундаги ушбу сатрлар мангу жарангадир: “Инсоннинг инсонлик фазилати, яратилганда бирга яратилиб, ўлганда яна бир ўзи билан бирга кетадиган ва бошқа мавжудотлардан ажратиб турадиган бирдан-бир ноёб фазилати – хотираси,

“ОТА БАЙИТ” АФСОНАСИ



Safarnoma

ақл-идроки бўлса-ю, уни таг-томири билан юлиб олсалар, ахир, бу қандай бедодлик?!” Ўша “жунгжанлар” барча замонларда бўлган, бугунги кеча-кундузда ҳам бор, келажакда ҳам, афсуски, йўқолиб кетмайди. Инсон хотирасини махв эттишининг турли муҳими йўллари борлиги эндиликда барчага маълум.

“Ота Байит” ёдгорлик мажмуаси ҳам қабристон, унда уч замонда – 1916 йилдаги кўзғолон туфайли қиргин қилинган қирғизлар, 1937 – 1938 йиллар ва ундан кейинги даврлардаги катагон қурбонлари ва мустақиллик йилларида қурбон бўлганларнинг номи мангуликка муҳрланган.

1916 йилги кўзғолон қурбонларига бағишланган ёдгорлик пойига қирғизча ёзилган шеърни устоз, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим бирданига ўзбекча талаффузда ўқиди:

**Дунёга оқ қалпоққа кўриндик биз,
Осмондан ёмғир бўлиб тўқилдик биз.**

**Чўп бўлдик, ер танламай ўса берган,
Булутдай олам кездик, сочилдик биз.**

**Қирлиб бораётим тирилдик биз,
Бўлиниб бораётим бирикдик биз.**

Ушбу олти сатрда бизга қирғиз халқининг бошидан кечирган азоб-уқубатлари, тарихи, озодлик учун кураши мужассам бўлгандай туюлди. Дунё эътироф этган буюк ёзувчи Чингиз Айтматов ҳам шу муқаддас маконга дафн этилган ва қабр рўпарасидаги ёдгорлик деворига адибнинг ҳикматли сўзлари битилган: “Одамга энг қийини кун сайин одам бўлув”.

Ёдгорлик мажмуасини “Ота Байит” дея номлаш ҳақида Чингиз Айтматов билан Қирғиз Республикасининг ўша вақтдаги Президенти Аскар Акаев тақдир қиритган экан.

She'riy lahza

Усмон ҚҮЧҚОР

ХАВАС

Мовий дунёлардан бир насим келур,
Маним бу насимга ҳавасим келур.
Жисмим бунда менинг, руҳим ундадир –
Мовий дунёлардан нафасим келур.

Менинг хотиротим — заминдек қадим,
Ёшим баробардир Қуёш ёшига.
Лекин ҳеч бепарво қарай билмадим
Ҳилқатнинг ҳар битта гулу тошига.

Гуллар ўзлигини англадим, бас,
Тош ҳам тошлигига иқрорми бугун?..
Чап кўкракда санчик ҳамон босилмас,
Икки қош ўртаси тугундир, тугун.

Тошлар чатнай бошлар, гулларда титроқ,
Сегоҳ оҳангида эсади насим...
Ҳали бу дунёда яшайман узоқ,
Ҳали бу дунёдан қайтмас нафасим.

Yangi nashr

“АВЕЗОВ ВА ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР АДАБИЁТИ”

Академик Наим Каримов “Мухтор Авезов ва Ойбек” номли мақоласида: “Ойбек ижодида қозоқ мавзусининг “қизил ип” бўлиб чиқиши маълум даражада Мухтор Авезов билан бевоқифа боғлиқ. Агар Ойбекнинг 1933 йили яратилган илк достонларидан бири “Бахтигул ва Согиндик”га назар ташласак, у билан Мухтор Авезовнинг “Қараш-қараш воқеаси” кассиси ўртасида муайян яқинлик борлигини сезиш унчалик қийин эмас”, деб ёзди.



Профессор Қалдибек Сейданов қаламига мансуб “Авезов ва қардош халқлар адабиёти” номли илмий тадқиқотда машҳур ёзувчи ва олим Мухтор Авезовнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир маълумотлар жамланган. Муаллиф улуғ адибнинг Марказий Осиёдаги турли халқлар ёзувчилари билан дўстлик алоқалари, ижодий ҳамкорликлари ҳақида батафсил тўхтаган. Жумладан, унда М.Авезовнинг Ойбек, Миртемир, Иззат Султон сингари атоқли ўзбек адиблари ва олимлари билан адабий алоқалари кенг ёритилган. Ёзувчини ўзига устоз деб билган адибларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам ўқувчиларда катта таассурот қолдиради. М.Авезов ижодининг қардош халқлар адабиётида тутган ўрни борасида аниқ ва батафсил фикр-мулоҳазаларга эга бўлади.

Шарк адабиёти билимдони, “Манас” эпосининг толмас тадқиқотчиси, адиб ва олим Мухтор Авезовни ўзига устоз билиб, унинг ёзувчилик маҳоратидан ибрат олган қардош халқлар ёзувчиларининг у ҳақидаги кимматли фикрлари ҳам жамланган бу китоб адабий алоқаларимиз мустаҳкамлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Мазкур рисола адабиёт ўқитувчилари, олий ўқув юрталарининг филология факультетлари талабалари учун мўлжалланган.

“Irak yo'li durdonasi”

ФЕСТИВАЛЬ ШУКУҲИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан қайта тикланган “Ипак йўли дурдонаси” Тошкент халқаро кинофестивалининг XV анжумани кўтаринки руҳда, қизиқарли тадбирларга бой бўлди. Фестивалда жаҳоннинг 52 мамлакатидан уч юз нафар меҳмон қатнашди.



Дастлаб фестивалга бағишланган пресс-брифинг бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан Маданият вазирлиги хузуридаги Кинематография агентлиги директори Фирдавс Абдуқодиқов бу йил 65 йиллиги нишонланаётган фестивалнинг аҳамияти ва халқаро миқёсда

тутган ўрни ҳақида гапирди. Сўнгра йиғилганларни кинофестиваль дастури билан таништирди. Шундан сўнг “Ўзбекфильм” киноконцернида миллий кинолойиҳалар тақдими бўлиб ўтди.

► 5

Мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг шох асарларидан бири “Сабъаи сайёр” шу пайтгача тўла насрий баён қилинмаганди. Достоннинг олдинги барча нашрларида қарийб юзга яқин байт насрий баён қилинмаган ҳолда чоп этилган. Ниҳоят, мазкур достоннинг тўлиқ насрий баёни сизнинг ҳукмингизга ҳавола қилинмоқда.

Манзар АБДУЛҲАЙРОВ,
филология фанлари доктори

“САБЪАИ САЙЁР” ТАБДИЛИ

Навоий беш аср муқаддам яшагани, ўтган давр мобайнида халқ ҳаётида ҳам, бинобарин адабий тилда ҳам жиддий ўзгаришлар рўй бергани улуғ шоир асарларини аслиятда ўқиб тушунишда қатор мураккабликларни юзга келтирди. Бу эса Навоий асарларини, жумладан, достонларини ҳам осонроқ тушуниш мақсадида насрий табиلى қилиш заруриятини тугдирди. Навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов бу хусусда шундай ёзди:

“XIX асрга келиб ўзбек адабий тилининг XV асрдиги нисбатан қатор ўзгаришларга учраши натижа-сида Навоий достонларини ўқиб тушуниш, хусусан, оддий китобхонлар учун анча қийинлашиб қолди. Шунинг билан олиб, ўзбек адиби Умар Бокий бу достонни шу давр адабий тилида насрга айлантирди. Навоий асарининг бу насрий варианты тош-босмада бир неча бор нашр этилди ва шоир асарини кенг оммага етказишда қулай воситалардан бири бўлди.

Шунинг билан олиб, атоқли шоир ва адиб Фағур Ғулом Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриляётган йиллари бу достоннинг кенг оммага мўлжаллан-

ган насрий баёнини тайёрлашга киришди. Бу насрий баён Навоийнинг назмий матни билан ёнма-ён беришга мўлжалланган эди. Ғ.Ғулом мазкур ишни тугаллагач, уни ўша вақтда Навоий юбилейини ўтказиш Комитети томонидан шоир асарларининг матни устидаги ишларга махсус жалб этилган, ўтмиш ўзбек адабиётининг йирик мутахассислари – Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Насриддинов (Бокий), С.Муталлибов, П.Шамсиев, И.Одилов, А.Азизов, Ҳ.Зарифов, Улфат ва бошқалар хузурига келтиради ва улар ҳар байтни аслиятга таққослаб, қўл-ёзмани бошидан охиригача кўздан ўтказдилар, кимматли фикрлар билдирадидлар. Қўл-ёзма муаллифи эса уларнинг ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда бу достонни насрий баёни билан биргаликда биринчи дафъа 1940 йилда, сўнг Иккинчи жаҳон уруши тугагач нашр эттирди. Янги авлоднинг улуғ шоир асари билан чуқурроқ таништиришда бу нашрларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди”.

“Сабъаи сайёр” достони насрий табилининг дастлабки нашрида турли сабаблар билан жами 476 байт таб-

дил қилинмаган. Бунга собик шўро маффураси сабаб бўлгани эҳтимолдан холи эмас. Фағур Ғулом табилида достоннинг Аллоҳга ҳамду сано ва ҳазрати Пайғамбаримизга наътлардан, меърож кечаси таърифидан иборат биринчи ва бешинчи боблари, шунингдек, султон Хусайн Бойқаро ва шаҳзода Бадиуззамон Мирзога бағишланган ўнинчи ва ўн биринчи боблари тушириб қолдирилган. Ҳолбуки, бу боблар анъанавий тарзда ёзилиши баробарида, муаллифнинг имони-эътиқоди мустаҳкамлигини кўрсатувчи муҳим далиллар сифатида ҳам қадридлир.

2006 йилда навоийшунос олимлар Абдуқодир Ҳайитметов ва Ваҳоб Раҳмонов тўлдириб нашрга тайёрлаган достонда ҳам барча байтлар тўла табиلى қилинмаган. Достоннинг дастлабки боблари тўла насрий баён қилинган ҳолда турли боблар таркибидидаги жавоб бера олмайди. Хусусан, унинг насрий табилинда собик шўролар даврининг маффураси таъсири сезилади, шунингдек, достоннинг асл матнига номувофиклик кузатилади.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда “Сабъаи сайёр”нинг тўла янги насрий табили амалга оширилди. Бу хайрли ишни амалга оширишда, албатта, олдинги барча табиличиларнинг таърибларидан келиб чиқилди. Қуйида достоннинг XVII боби табилини тўла келтирдик.

► 4

Boshlanishi 1-sahifada

БУБУЙРА ОПАНИНГ СИРИ

“Ота Байит” ёдгорлик мажмуаси ҳақида илк бор Чингиз Айтматов билан танқиди кезиб чиққан Мухтор Шохоновнинг самимий суҳбатларидан иборат “Чўққилда қолган овчининг оху зори” номли китобда ўқигандим. Китобнинг 19-саҳифасида Мухтор Шохоновнинг Чингиз Айтматовга айтган сўзи орқали мажмуа тарихига қисқа изоҳ бериб ўтилган: “1938 йил. Ругубатли куз кунлари. Бишкекдан унча олис бўлмаган тоғ этагиди Пўнгош деган сўлим гўша. Худди шу жойда НКВДнинг оромгоҳи бор. Ўша кунлари бир нечта юк машиналарига қамалган маҳбусларни пинҳоний равишда шу

тақдирдош бўлгани архив ҳужжатлари асосида исботланди... Мусибатлар уяси бўлиши ўша жойга “Ота Байит” номи берилди”.

Бу воқеа ёзувчининг синглиси Роза Айтматованинг отаси Тўракул Айтматов таваллудининг 110 йиллигига бағишлаб 2013 йилда чоп этилган “Тарихнинг ок саҳифалари” (Менинг хотираларим) номли китобда батафсил ёритилган: “...Орадан 35 йил ўтди. 1973 йили Абикан Қидиралиев ўлими яқинлашганини ҳис қилиб, Бубуйрани чақириб, дейди: “...Қизим, юрагимда оғир юк билан жон беряпман. Мен Ста-

горлик ўрнатолмадим. Сенинг қаерга дафн этилганини ҳам билолмадим. Ушбу асаримни, отам Тўракул Айтматов, сенга бағишлайман. Она, сен бизни улгайтириб одам қилдинг. Сенинг узоқ умр кўришингни тилаб, онам Наима Айтматова, сенга бағишлайман”.

Ушбу сўзларни ёзганда ёзувчининг қалбидан нелар кечган? Буюк армон, алам бўлгани, шубҳасиз. Мустақиллик боис армонлар ариди. Асар ёзилганидан сўнг орадан 28 йил ўтгач, ёзувчи 63 ёшга кирганда, 10 ёшида уйдан олиб чиқиб кетилгани бўйича, эллик уч йил изларини излаб яшаган

бошчилигида зиёратга борганимизда, узоқда бўлишига қарамай, зарур ишларини ташлаб етиб келди ва мажмуа тарихини батафсил сўзлаб берди.

Бўлат ога бизни мажмуадан икки юз кадам юқорида – тепаликда жўрлашган гишт заводининг печи учун қазилган ўра томонга бошлади. Йўл-йўлакай Бубуйра опанинг Ленинграддаги олий ўқув юртини битиргани, келиб юқори идораларда ишлагани, ўқимишли, сабр-бардошли аёллиги ҳақида сўзлади. Бу тафсилотлар юқорида қайд этилган китобларда ёзилганидан кўра батафсилроқ эди.

кадамма-кадам юриб эслади. Ахир, орадан 53 йил ўтган эди-да. Хотираси яхши экан. Ошхона жойлашган ерлар, гишт заводининг кўмиб ташланган ўраси ўрнидаги тепаликни кўрсатди. Эски гишт сеникларни сочиблик ётарди. Шундан сўнг Қирғиз университетининг тарих-археология факультети профессори, археолог Москолёв ёрдамида қазилган ишларини бошлади. Менинг кўнглимда яна бир ниёт бор эди: биз аввалги НКВД меросхўри эмас, балки Ватан, халқ учун хизмат қиладиган МХХ ходимларимиз, дегим келарди. Шу фикрни исботлашни истардим.

Тепаликда қазув ишларини бошлашимиз билан 20-30 см.дан кейин бир бош чаноғи чиқди. Ишни зудлик билан тўхтатдик. Опанинг гапи ҳақиқат эканига шу биргина далил етарли эди. Раҳбариятга бу ҳақида ахборот бердим. Хукуматдан руҳсат олгач, қазилган ишларни давом эттирдик. Хар кун ўн ташдан жасадни қазиб олдик. Уларнинг бари

чиқиш менинг кўшимча ишимга айланди. Ҳужжатлар шу қадар кўп эдики, яна тўрт-беш нафар шоғирларимни ишга жалб этиб, тўрт йилда архивдаги 14 ярим минг ҳужжатни варақлаб чиқдик ва 20 минг катагон курбонининг исм-шарифларини аниқлаб, компьютерга киритдик. Уларнинг яшаш манзили, иш жойи, қачон суд қилинган, қачон отилгани – ҳаммаси қайд этилди.

2017 йили мени пенсияга чиқаришди. Агар рўйхатни МХХ институтида қолдирсам, ҳаммаси йўқолиб кетади, деб электрон вариантнинг сақлаб қўйдим. Нафақага чиққач, республиканинг 30-50 йиллар тарихини, асосан, репрессиялар даврини астойдил ўргандим, бу орада тарих мавзусида илмий иш ҳам ёқлаб, фан доктори бўлдим. Қилинган ишлар ис-сиз кетмасин, деб ўз ҳисобимдан 10 жилдик “Қирғиз Республикасидаги сиёсий репрессия курбонлари китоби”(1920-1953 й.)ни чоп эттирдим.

“ОТА БАЙИТ” АФСОНАСИ



ерга келтиришадими-ю, ҳаммасини отиб ўлдирдилар ва қотилларга хос пухталик билан илгаридан ҳозирлаб қўйилган хандақларга кўмиб кетадилар. Ўша оромгоҳда қоровул бўлиб ишлайдиган Абикан Қидиралиев пинҳоний қотилликни зимдан кузатиб ўтиради. Орадан кўп йиллар ўтгач, оқоқол ўша мазористонга бориб, марҳумларнинг руҳига Қуръон тиловат этиб юради. Чолнинг 1928 йилда туғилган Бубуйра исми сизга тенгдош кизи бор эди. Ота ўз кизига шундай васият қилади: “Қизим, ҳозир айтадиган гапларим ҳеч қачон эсиндан чиқмасин; мана шу жойга жуда кўп марҳумлар дафн этилган. Худо хоҳласа, яхши кунлар келади. Ушанда бу сирни одамларга ошқор қиласан. Ҳозирча бу тўғрида бирова мик этиб оғиз очма кўрма”. Қирғизистонда эркинлик шабадалари эсиб, мустақилликни қўлга киритгач, Бубуйра опа отасидан эшитган гапларни қозғога тушириб, Давлат хавфсизлик қўмитасига мактуб йўллади. Қўмитада бўлим мудири лавозимда хизмат қиладиган Бўлат Абдурахмонов (баъзи бир ҳамкасбларининг эътироз билдиришларига қарамадан) номсиз мазорни очиб кўриш чора-тадбирга бош бўлади. Фожия рўй берган жойдан 137 нафар кишининг бош чаноклари, суюқлари топилади. Суюқлар орасидан ярми чириб кетган уч саҳифалик ҳукм матни ҳам чиқиб қолади. Сизнинг отангиз Тўракул Айтматов ҳам айнан ўша ҳукмга асосан отиб ташланган экан. Қирғиз халқининг Жусуп Абдурахмонов, Қосим Тинистонов, Эркинбек Эсономов, Имонали Айдарбеков, Бойали Исоқов, Асанбой Жамансариев, Усмоқул Алиев, Содик Чўношев каби машҳур ўғлонлари ҳам отангизга

лин репрессияси курбонлари кўмилган жойни биламан, аммо сизларни ўйлаб, аввал бу ҳақида ҳеч кимга оғиз очолмадим... Бубуйра, бу жойни фақат сен биласан. Менга савол беравериб безор қилганинг ёдингми? Умидим бор, яхши замонлар келади, ўшанда беғуноҳ қатл қилинганлар ҳақида одамларга айтасан. Қатагон қилинганларнинг болаларига уларнинг оталари ўша тепалик остига кўмиб юборилгани ҳақида айтасан. Уларнинг орасида кирғиз халқининг энг сара ўғлонлари бор. Уларнинг бари битта қабрда ётибди. Мен бир умр юрагимда тошдай оғир юк билан яшадим ва уни ўзим билан олиб кетолмайман...”

Ўша вақтларда халқ орасида қатагон курбонлари Ўрок, Жал ва Воронцовка сингари кишлоқлардаги хилват ерларга кўмиб юборилган, деган миш-мишлар юрар экан.

1991 йилда Бубуйра опа отасининг топиригини адо этиш учун Миллий хавфсизлик хизмати ходимларига ҳам сирни очади. Аммо ҳамма ҳам ишонмайди. Турли идораларга бош урган Бубуйра опанинг эшигини ниҳоят, Бўлат Абдурахмонов тақиллатиб келади.

1991 йил апрелда МХХ ходимлари Бубуйра опа билан Чўнг Тош кишлоғига боришади, холанинг болалигида бир кечада дўмга айланган гишт заводининг ўрасини топишади. Қазув ишлари бошланади.

ЯРИМ АСРДАН СЎНГ

Чингиз Айтматов 1963 йилда ёзган “Сомон йўли” қиссаси (Ўзбек тилига Асил Рашидов таржима қилган) бошида бағишлов бор: “Ота, мен сенга ёд-

отасининг қабри топилди. Ёзувчи падари бузруквори ҳақида хабар топганда балки қувонгандир, балки отаси катагон курбон бўлганидан қайғуга ботгандир. Бу хабар Қирғиз Республикаси мустақиллик куни эълон қилиниши арафасида кечгани, буюк тарихий ўзгаришлар жараёнида фаол бўлган ёзувчининг қалбидидаги армон ушалгани, шубҳасиз. Роза Айтматованинг “Тарихнинг ок саҳифалари” (Менинг хотираларим) номли китобига киритилган кундалиқларда шундай ёзув бор: “24.08.1991. Чингиз келди. Биз уни аэропортда кутиб олдик. Унинг қайфияти яхши эди. Отамиз кўмилган жой топилиганидан хурсандлиги кўри-ниб турарди”.

Тўракул Айтматов ўз даврининг зиёли кишиси сифатида халқ миллат раънақи йўлидаги курашчиларининг илгор сафларида бўлган. Жумладан, Тўракул Айтматов 1921 йилда Тошкентда Совет партия мактабиде таҳсил олган, РКСМ (комсомол)га қабул қилинган ва бу ердаги ўқишини якунлагач, Москвадаги Шарк меҳнат-қашларининг коммунистик университети-га ўқишга юборилган. Кейинчалик, 1935–1937 йилларда Москвадаги Қизил профессуранинг партия тарихи ҳамда Марксизм-ленинизм курслари тингловчиси бўлган. Республика савдо-саноат комиссари, республика Халқ хўжалиги марказий кенгаши раиси сингари юқори лавозимларда ишлаган. Аммо 1937 йили сентябрда Москвадан Қирғиз Республикасига чақирилади ва шу йил декабрда хибсга олинади. 1938 йил 14 январдан 4 ноябргача Фрунзе шаҳрида (ҳозирги Бишкек) хибсда сақланиб, 4 ноябрь куни унга айблов ҳулосасидан қўчирма берилди. 5 ноябрь куни эса ҳукми ўқиб эшиттирилади ва ижро этилади. Чўнг Тошдаги гишт заводи ўраси қазилганда ўша айблов ҳулосаси ёзилган қозғонинг парчалари топилган экан.

АБДУРАҲМОНОВ ЖАСОРАТИ

Бўлат ога билан суҳбатимиз қисқа, аммо сермазмун бўлди. Умр бўйи хавфсизлик соҳасида ишлаган, табиатан эҳтиёткор, ҳар бир сўзни ўйлаб айтадиган бу киши етмишдан ошган бўлса-да, анча ёш кўринади. Ҳамкасбларидан фарқли ўлароқ, нафақага чиққандан сўнг бутун фаолиятини катагон қилинган юртдошларининг аянчли тақдирини ўрганишга бағишлаган Бўлат огани ўз халқ олдидеги фарзандлик бурчини оқлаган бахтли инсон, дейиш мумкин. Яқинда “Ота Байит” ёдгорлик мажмуасига раҳбар этиб тайинланган. Қирғиз Республикасидаги “Ўзбекистон – Қирғизистон дўстлик жамияти” ижрочи раиси, таникли ёзувчи Беғижон Аҳмедов

– Бу атрофларда НКВДнинг дам олиш маскани бўлган икки-учта бино жойлашган, – деди Бўлат ога 100-150 кадамлар наридаги биноларга ишора қилиб. – Ҳозир бу бинолар миллий гвардия қисмларига берилган. 1937-йилларда НКВДнинг раҳбари ва айрим масъул ходимлари шу биноларда яшаган. Уларга Абикан Қидиралиев деган киши озик-овқат келтириб, егулик тайёрлаган, умуман, кундалик юмушларни бажарган. У 1938 йилда 137 нафар кишининг жасади гишт заводи ўрасига кўмиб юборилганига гувоҳ бўлади. Аммо НКВД ходимлари буни сир сақлашни, ошқор қилса, умри азобда ўтишини айтишади. Бубуйра опанинг эслашича, 8-9 ёшлигида бир кун отаси уни онаси билан бирга қўшни кишлоқдаги дўстининг уйига олиб бориб қўяди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, қайтиб келишганда Чўнг Тошда ўзлари яшайдиган ўйнинг атрофи ўзгариб кетганини кўради. Гишт заводининг пасткам бинолари бузиб ташланган, печ ўраси текисла-ниб, унинг ўрнида тепалик пайдо бўлган. Ота-онаси бирова билдирмай бу тепалик четига бориб, фотиҳа ўқиб келиб, туни билан йнглаб чиққанларини кизча ўша вақтда тушунолмайдди. Бунинг сабабини отасидан сўраганда у айтмайди, аммо ўша тепалик кизчанинг хотирасида ўчмас из қолдиради.

Бу тепалик 1938 йил 5 ноябрь куни НКВД турмасида отилган 137 нафар катагон курбонининг жасади юк машинасига юклаб келтирилиб, ўрага ташлаб устига тупроқ тортиб, кўмиб юборилганидан кейин пайдо бўлган экан.

Кейинчалик Абикан ота немис фашистларига қарши урушга кетади, қон кечиб, уйига омон қайтади. (Агар урушда халок бўлса, сир очилмай қолаверармиди?!). Хуллас, бу сир 1990 йилга келиб очилди. Бубуйра Қидиралиеванинг давлатга алоқадор сирни борлигини эшитиб, унинг уйига борганида тўрт соат суҳбат қилдик. Ўша пайтда мен МХХнинг капитани эдим. 1990 йил декабрь ойи, ҳамма ёқни қор босган, Чўнг Тошга борадиган йўл қор остиде қолган. Тупроқ музлаган, ер қазининг имкони йўқ. Хуллас, ноқулайликлар туфайли ишни баҳорга қолдиридик. Қишда мен Миллий хавфсизлик хизмати идораси архивда сақланаётган катагон курбонларига оид ҳужжатларни ўргандим. Аммо бу ерда Чўнг Тош ҳақида айтарили ҳеч гап йўқ эди. Фақат курбонлар Бишкекдан 20 қақирим жанубга кўмилган, деган ноаниқ маълумот берилган. Яъни бу жойга аниқлик киритилмаган, сир тутилган.

1991 йилнинг май-июнь ойларида ер юмшаб, намгарчилик чекингандан сўнг опа билан бирга Чўнг Тошга чиқдик. У болалиги ўтган жойларни

бошидан отилган ва ўрага бетартиб ташланган эди. Ярим асрдан зиёд вақт ўтган, кийимлар, таналар чириб кетган, курбонлар сонини бош чанокларига қараб санадик. Ўранинг тубига яқинлашган сари ярим чириган гимнастёркалар, этиклар, тангалар, кўзойнақлар, ўнча бош чаноғида тилла тишлар чиқа бошлади. Бу далиллар жасадлар катагон курбонларига тегишли эканига шубҳа қолдирмади. Ўранинг тубидан, қуруқ қисмида ниҳоят биз қутган муҳим далиллар топилиди. Бу ўша Қирғизистон ССР ички ишлар комиссари, полковник Лоцманов тасдиқлаган айблов ҳулосаси – чириган гимнастёрка чўнтагидан чиқди. Жусуп Абдурахмонов ва Тўракул Айтматов отувага ҳукм қилинган ҳужжатларини ўқиб, уларни архивдаги ҳужжатларга солиштиригач, бу ерга халқнинг сара фарзандлари кўмилганини аниқладик. Уларнинг шахсини архив ҳужжатлари асосида аниқладик, жами 17 миллат вакили бор экан. Бош чаноғига қараб ким қимлигини аниқлашнинг имкони бўлмади, аммо умумий рўйхат бор эди.

Ўша вақтда Чингиз Айтматов Люксембургда эди, телефон қилдик, зудлик билан етиб келди. 1991 йил 30 августда Чўнг Тошда митинг бўлиб, катагон курбонлари қайта дафн этилди. 31 август куни давлат мустақиллиги эълон қилинди. “Ота Байит”нинг тарихи шу. Аммо бошлаган ишларимиз бу билан якунланмади. Энди МХХга катагонга учраган ота-боболарни кидирган фарзандлар, набиралардан юзлаб хатлар оқиб кела бошлади. Табиийки, раҳбарият уларнинг барини менга топширди. Қурбонларнинг тақдирига аниқлик киритиш, МХХ архивда сақланаётган ҳужжатларни ўрганиб

100 донга, холос. Бу йил 5 ноябрда Чўнг Тош воқеаси содир бўлганига 85 йил тўлади. Китобни шу санага бағишладик. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Қирғизистонда МХХ архиви 20-йиллардан бошлаб юритилган. Ундан олдинги архив ҳужжатлари Тошкентда сақланади. Чунки ўша давргаги марказ Тошкентда бўлиб, Қирғиз Республикасидаги айрим раҳбарлар Тошкентда ўқиб келишган экан.

20 минг тақдир! Уларнинг орасида юзлаб ўзбеклар бор. Ўша вақтларда Қирғизистонда ашаб, ишлаган сирдарёлик, тошкентлик, водийлик ўзбеклар ҳам қатагонга учраган. Биз уларни ажратиб олиб, алоҳида китоб ҳолида нашр қилишга бел боғладик. Яқин орада Ўзбекистонга олиб бориб тақдим этамиз.

Бу китоб Ватан тарихи учун қанчалик муҳим ҳужжатдир.

Бўлат оганинг хикоясидан барчамиз хомуш тортидик. Тошкентда ҳам шундай муҳим воқеа Бешкекдагидан бир ой олдин – 1938 йил 4 октябрда бўлиб ўтганини, қардош халқларнинг тарихи, қувонч-қайгулари азалдан бир экани ҳақида сўзлашдик.

– Бора-бора бу гаплар афсонага айланиб кетса керак, – деди ҳамроҳим шоир Файрат Гафийр Бўлат оганинг хикоясидан таъсирланиб.

– Ҳақиқат бўлмаса, афсоналар яралмайди. Фақат биз уларга ишониниш керак, – деб суҳбатимизга якун ясадик.

Хуמוюн АКБАРОВ

Тошкент – Бишкек – Тошкент
2023 йил, сентябрь

Adabiy do'stlik – abadiy do'stlik

Раим ФАРҲОДИЙ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Москва шаҳрида Ҳамдўстлик мамлакатлари болалар ва ўсмирлар адабиёти халқаро форуми бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Россия давлат болалар кутубхонаси ва “Расти читателя” (“Китобхонни ўстирамиз”) ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, унда Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Арманистон, Беларусь ва Грузия мамлакатлари болалар шоир ва ёзувчилари, ноширлар, болалар кутубхоналари раҳбарлари ва кичкинтойлар китобларини безатувчи расомлар иштирок этишди.

Халқаро форум иштирокчиларини 600 мингдан зиёд китоб фондига жамлаган кутубхонага – ҳақиқий эртақлар саройига ташриф жуда қувонтирди. Бу ерга келган ёш китобхонлар сеvimли бадиий асарларнинг қаҳрамонларини нафақат ажойиб нашрлар саҳифаларида, балки болалар, ота-оналар, турли мамлакатлардан келган олимлар, ёзувчилар, шоирлар, драматурглар, адабиётшунослар ҳамда китобсеvarлар иштирокида ўтказиладиган учрашув, фильмлар, видео махсулотларнинг ноёб тўплами, қўплаб

ижодий лойиҳалар орқали кўриш имконига эга бўлишди.

Менинг китоб форумидаги чиқишим тасодифан Ўзбекистоннинг Мустақиллик байрами кунига тўғри келди. Ҳамдўстлик мамлакатларидан келган ҳамкасблар мени Истиклол байрамимиз билан қутлашди.

Форум иштирокчиларига Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси фаолияти серкирралиги, МДХ мамлакатлари ижодкорлари билан ижодий учрашувлар, рус тилида чоп этилаётган нашрлар, халқаро миқёсдаги таржима ишларининг истиқболлари, мактаблар, кутубхоналар ва бошқа таълим муассасаларидаги мунтазам ўтказиб келинаётган маҳорат дарслари ҳақида гапириб бердим. Шундан сўнг Россия болалар кутубхонасига Ўзбекистонда рус тилида нашр этилган янги китобларни топширдим.

Айниқса, Адиблар хибониде ўзбек мумтоз адабиёти вакилларининг ёдгорликлари ўрнатилгани ҳамда бунда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси биносининг бунёд этилгани тасвирланган “Аллея литераторов” (“Адиблар хибони”) китоб-альбоми адабиёт муклисарида катта таассурот қолдириди.

Кутубхона вакиллари Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг рус тилида чоп этилган

“Ветер моего края” (“Юртим шамоли”) китобини, шунингдек, адабий-бадиий мавзуда республикамизда ўтказилган бир қанча ижодий талловлар голибларининг асарлари босилган тўпламлар, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси томонидан чоп



этилиб, мамлакатимиз мактаблари ва кутубхоналарига беминнат тарқатилган китоблардан намуналарини эхтиром билан қабул қилиб оlishди.

Ҳамдўстлик мамлакатлари китобхонлик асосамблеясида адабиётшунос олима, ўзбек адиб-

лари асарлари таржимони, Ўзбекистон Миллий университети профессори Саодат Комилова, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг халқаро алоқалар хизмати бош мутахассиси Мухтарам Муродова мазмуни, кизкарлари маърузалар қилишди.

Озарбайжонлик ёзувчи, “Мерос” маркази раҳбари Салмас Аманова Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси қошида рус адабиёти кенгаши “Слово” интернет-алманаҳининг илк муваффақиятларидан хабар топиб, таҳририятга ўзининг эртақлари, туркий тили халқларнинг айрим этнографик атамалари ва географик номлари, тарахлий номларининг келиб чиқишига оид ривоятларни тақлиф қилди.

Россия давлат болалар кутубхонаси директори Мария Веденяпина кичик китобхонларни муталаага ўргатишда ота-онанинг ибратни масаласига тўхтади. Ота-оналарнинг кутубхонага болаларини етаклаб келишлари, айниқса, хайрли ишдир, дея таъкидлади у. Zero, “Болалар – бизнинг келагачимиз”, дегани оддий сўзлар эмас.

Намойиш этилган китоблар болалар ва ўсмирлар адабиёти йўналишида Россия Миллий

мукофоти билан тақдирланган янги шеърый ва насрий нашрлар, илмий-оммабоп китоблар бўлиб, улар Ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари тилларига, хусусан, ўзбек тилига таржима қилишга арзийди.

Таникли рус болалар шоири Андрей Усачёв замонавий ўзбек болалар шоирларининг энг сара шеърларини рус тилига таржима қилиш истагини билдирди. Қайд этиш керакки, биз иккаламиз турли лойиҳаларда, жамоат тўпламлари тузишда ҳамкорлик қилиб келамиз. Албатта, янги тарихий шароитда ижодкорларимизнинг асарлари барча мамлакатларда кенроқ тарғиб этилиши керак.

Китоб ярмаркасининг энг ажойиб дақиқаларидан бири кичик китобхоннинг ота-онаси билан биргаликда китоб танлаши бўлди. Бу тадбир китобни масъулият билан танлашга, унга содиқ дўст, маслаҳатчи, болалик давридаги ишончли ҳамроҳ сифатида муносабатда бўлишга ўргатиши, шубҳасиз.

Форум иштирокчилари очик ва дўстона муҳитда китобхонликни ривожлантириш, болаларни энг яхши китоблар билан ошно этиш йўлида ижодий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича фикр алмашдилар.

Рус тилидан Гулбодон ТЎРАЕВА таржимаси.

Турсун АЛИ



КУЗ РАҢГЛАРИ

Ўқинган юракдай куз йиғлар,
Кўзёшлари осмон йўлидай узун.
Менинг-да руҳиятим, о, куздек.

Ғамгин хув тоғларга қарайман илкис,
Унда куз ранглари изғийди нолон.
Менинг ҳам қалбимда тентирайди куз.

Келгин, олисдаги болалик дўстим,
Бир зум ҳасратлашайлик жим,
Бошимизда куз шамоли эсмоқда...

Дунёда ранглар кўп: оқ, кизил, қора,
Куз! Сенга ўхшайман, қара,
Юрагимдан ранг олақол.

ХОҚҚУЛАР

Тун устида учиб борапман,
Хозир, мана хозир
Ойга тегар ўжар қўлим.

Майсазорда ярқирай қиров,
Сен қайдасан,
Келсанг-чи, ёнимга бирров.

МАЙСАЗОРДА ЯРҚИРАЙ ҚИРОВ

Туманга бурканган бог ичра
Сен йўқсан-ку, эй гулим,
Наҳот, эшитмасанг маҳзун хайқиримим?..

Куз шовқини тинди,
Ёмғир, шамол йўқ,
Фақат сен борсан, Севгилим!

Тол соясида қунишдик бизлар,
Тепамизда эса қушлар
Куз қўшиғин қуйлашар ғамгин.

Имант Зиедонис шеърин ўқирдим,
Ташқарида бир киз
Кечиб борар қор,
Ортидан қоларди ғаройиб бир из,
Менинг юрагимда шеърят виқор...

Тафаккур дунёда, о, Зиедонис,
Ҳадсиз баҳш этарди ранго-ранг туйғу.
Ва севги,
Холбуки,
Аллақандай хис
Қалбимга ҳаля айлади қолғу.

ЎЗЖЖАҚ НАВОСИ

Абдуқошим Исмоилова

Ажаб куй таралар – ғамгин ва маъюс,
Ўрғайди юракни, титрағай вужуд.
Тилимга келмайди ақалли бир сўз,
Кўзларимда дунё чексиз, беҳудуд.

Келасан қайдандир кўзлари нолон,
Ох, балки ёшлигим эрусан юпун?
Онамдурсан, эрта кетган оламдан,
Қалбим тилкалаган севгисан, жунун.

Етим кўзи мисол, о, дилдираган,
Укамсан, синглимсан, кўзида маржон!
Биринчи севгимсан, жим мўлтираган,
Нечундир сирқирай, ўртанар бу жон.

Сузади кўзимда олис кишлоғим,
Болалик дўстларим кўтарар шовқин.
Дарёдек тўлади соғинган бағрим
Ва бирдан туяман умримнинг завқин.

Ажаб куй таралар – маъюс ва ғамгин,
Рухимни тирнайди гижжак навоси.
Серғалва дунёда ушбу кез соқин,
Юрагимга чўқмиш қишнинг хавоси.

Ажаб куй таралар маъюс ва ғамгин...

ҒУЛОМ

ФАТҲИДДИН ЁДИ

Ё фалак, қуздан ранг олаётир у,
Овози ҳам куз каби синик ва хорғин,
Япроқ янглиг умидлари сочилган унинг.

Бағри унинг кузга ўхшарди, шаксиз,
Эҳ, туйғулари тўқилди куз офтобидек,
Элас кўринар у туман оғушида.

У йиқилди куз япроғидек чилларчин,
Она замин бир қалқиб олди,
Юзга етган она увлар куз каби.

Бир чимдим тупрокка етмағай қўлим,
Наҳот, ўнгим, тушимми?
Билмасман сира,
Сен ўзинг келақол, Ғулом Фатҳиддин.

Куз шохига қўнган қушчага
Энтикиб тикилдим, эвоҳ, у
Ёдга солди фоний дунёдан
кетган шоир дўстимни.

Қамолот нелигин билмасдим, зеро,
Ҳассага таянган йўлчиман букун.
Гоҳида кундузим ранг олар қора,
Кўнглимга сигмайди олам бус-бутун.

Кексалик узлатга чекинмоқ, наҳот?
Сен борсан-ку, йўқсан, ёруғ дунёда.
Шеър айтиб девона Машрабдек хайхот,
Сен сари борурман пойёу пиёда.

Кеч куз. Овлқ дала хувиллар ғамгин,
Шамоллар барглари тўзгитар бедор.
Ингрок товуш елар яқиндан бетин,
Не ажаб, ковакда бир ит бемадор.

Ғужанак ҳолатда ётув шўрлик ит,
Тепчир ориқ қорни, юнглари тўзгин.
Вужудимни босди кўрқинч бир сукут
Ажаб, боравердим ит сари яқин.

Кел, Бўйноқ, кел Октой, уни қақирдим,
Ит эса ингряди очмай кўзларин.
Овоз йўқ, атрофда кўринмас ҳеч ким,
Ҳавода муаллақ ўтинч сўзларим.

Кўнглимни чайнади итнинг қисмати,
Шу кўйга солган-ку қарилки ори.
Балки етаклаган итнинг мамоти,
Бека хизматига етмай мадори.

Юрагим эзилди, ўқиндим шу кўй,
Юлдуз милтираган осмонга боқдим.
Эзгин ҳаёлимдан кечди турфа ўй,
Уммонда елкансиз кемадек қалқдим.

Йўловчи йўлидан адашган каби
Мен ҳам
Ўз сўзидан адашган шоир.
Осмонда адашган турналар сафи
Мисоли қисматим турнага доир.

Зотан,
Қим ҳам ҳаёт йўлида адашмас,
Ҳаттоки, учоқлар адашар кўқда.
Кема бошқарувчи денгизда сармаст
Адашган,
Тугёнли тўфон кўрқиди.

Барча адашганни кечирар авом,
Барча адашганлар топиб олғай йўл.
Бирок,
Сўз устида шоир адашса,
ўчирилмас юрак,
На қудратли кўл!

Абдухамид ПАРДАЕВ

СОБИТ ИМОН, ТОЗА ВИЖДОНИНГ ЎЛАСИ



Илон каби аврай-аврай, дафъатан
Бағрингни пичоқсиз тилади айёр.

Кушлар яшай олмас бошпана – инсиз,
Пичоқ ўтмаслашар филофсиз – кинсиз.
Одамзод йўқотар одамийлигин
Имону эътиқод, ҳақиқий динсиз.

Бошимда йилларнинг қори бор, қори,
Кўнглимда минг армон зори бор, зори.
Қучдан қолди дема, мени кексайиб,
Ҳамон қалбимда ишқ нори бор, нори!

Зиёда эътибор ҳеч керак эмас,
Менга меҳр қўйгин, демасман зинҳор.
Сен менга нисбатан одил бўлсанг, бас,
Зотан, одилликда муҳаббат ҳам бор.

Наинки жаннатдай маконинг бўлсин,
Наинки шавқатли замонинг бўлсин.
Ҳар қандай макону замон ичра ҳам
Собит имон, тоза виждонинг бўлсин.

Имон-эътиқоди мустаҳкам, тоза,
Қомил инсонлардан олсанг андоза,
Қошингда очилса, не ажаб, ҳатто,
Арши аълодаги олий дарвоза.

Орзу билан уйқуга ётгин,
Мақсад билан уйқудан уйғон.
Чўққиларни шитоб забт этгин,
Таъзим қилсин қошингда осмон.

Тоғлар пойи адир-қирли бўлади,
Худо ёрлақанг пири бўлади.
Тарихий шахсларнинг бутун ҳаёти,
Ҳатто мамоти ҳам сирли бўлади.

ТўРГЛИКЛАР

Яхшиликка йўйгин шамолимни ҳам,
Ўзинг юксалтиргин қамолимни ҳам.
Оқартирган каби сочу соқолим,
Оқартир номаи аъмолимни ҳам.

Биз севмаган кизнинг вафоси
Жабру жафо бўлар, шубҳасиз.
Биз севганининг ҳатто жафоси
Меҳру вафо бўлар, шубҳасиз.

Демасман: шоирман – олам сирлари
Имкон қадар аён, қанчасин билдим.
Сўзладилар илҳом фаршталари,
Мен фақат уларга қотиблик қилдим.

Табиатда бари жойи-жойида,
Қаттаю кичикка аён бу нақл:
Ҳеч арслон тиз чўқмас итнинг пойида,
Ҳеч ит ҳам арслонга ўргатмас ақл.

Айёр тулки ишин қилади айёр,
Тулки каби алдаб шилади айёр.

Никола

Абдуқаюм БЕККАМОВ



Бугун қамқондан озод бўлиб келганига беш кун бўлди. Шаҳарда яшаётган акаси оиласи билан ўша кунёқ келиб-кетди. Хеш-ақраболари ҳам хабар олишди. Ош-на-оғайнилари ҳам унуттирмапти. Улар Илс билан қучоқ очиб кўришдилар. Ҳали унис, ҳали буниси нон, гўшт дегандай, егуликлар олиб келишди. Ишқилиб, қучоқ қўл билан келишмайди, барака топқурлар.

Мехмонлар эл ётар маҳали тарқалишди. Хотини Садоқат ошхонада тарақа-туруқ қилганича идиш-товоқ юварди. Илс келди-кеттини кузатаман, деб болалари билан ҳам дурустроқ гурунглаша олмади. Мехмонларни кузатиб қўйган, ўриндикда ўтирганча сигарет тутатди. Сўнг ичкарига кириб, болалари ётган хонага ўтди. Иккала ўғилчаси ҳам донг қотиб ухлаб ётарди. У қамалганда каттаси уч ярим, кенжаси бир ёшда эди. Анча улғайишибди. Эгилиб, иккисининг ҳам манглайдан ўпиб қўйди.

Уйга келган кун тўнгичи бағрига отилди, кичиги эса бироз ётсираб, аланглаб турди. Фарзандларини оғушига олиб, ширинлик улашди. Лекин атайлаб ўйинчоқ олмаган эди. Олишни истамади. Тенгқурларига ўйинчоғини кўрсатиб, энди дадаси қаердан олиб келганини мактанадими? Санаториядан ё шаҳар кўриб қайтаётган бўлсаям майли. Аммо у... ердан қайтишда болалари учун совға обқелишга ирим қилди. Фақат уйга сўппайиб кириб боришни ўзига эп кўрмай, қанд-курс олди, холос.

Ўзи-ку, яхшигина ишлаб юрганди. Маоши бинойидек эди. Нима жин урди-ю, ноқасларнинг тузоғига илиниб қолди. Шунга яраша жазосини олди.

Ҳай, майли, бўлар иш бўлиб ўтди. Бу ёғига...

У ўрнига узала тушиб, мудрай бошлади. Бир пайт эшик ғийқиллаб очилганидан уй-

ғониб кетди. Қараса, хотини Садоқат уйдан чиқиб борапти. Соатига қаради: икки ярим. Уч кундан бери кузатади. Садоқат тунда айни шу пайтда чиқиб кетади, тонг гира-ширасида толиқиб қайтади. Кейин нонушта хозирлайди. Кундузи бирон бурчақда мизгиса мизғиб олар, бўлмаса, мехмонларни кузатишдан қўли бўшмай уйқутираб юради. Бирдан унинг кўнглига шубҳа оралади. Сўнгги кунлари хотинидан ижиргангандек қовоғини уйиб юрди.

Садоқат бурунғидек эмас, камгап, ранги сўлгин. Хотинининг юриш-туришида қандайдир сир, шубҳа борлигини сезади Илс. Бу хавотир гумонларини кучайтириб, ич-эттини кемириб бораверди.

Хавотири кучайиб, Илс хотинининг руссорига яширинча тикилади: қандайдир хорғин. Тавба, Садоқат тонггача қаерга бориб келади? Ё хиёнат қўчасига кирганмикин? Эрини ўйлабмажа ҳам, нега икки норасида гўдагини ўйламайди? Илснинг боши қотди. Ўйлаб ўйига етолмади. Шу кунларда тотган нон-туз ҳам татимади. Эрининг икки ярим йил уйни тарқ этганидан фойдаланиб, бундай нопок йўлга кирганини... Буни ҳеч нарса билан қиёслаб ҳам, оқлаб ҳам бўлмайди.

Ўтган кун ширақайф эди. Кеч тушгач, мехмонларни кузатаётганида ён қўшниси Анорхол момо: “Илсёжон болам, ўзингиз эсон-омон келдингиз. Энди тунда болаларингиздан ўзингиз бохабар бўласиз-да”, деб қулганди. Илс мехмонлар билан бўлиб, момонинг гапини фаҳмлаб кўрмаганди. Тавба, коса остида ним коса, дегандай... Балки Анорхол момо очик кўнглилик билан гапиргандир. Илс буни англаб етмагандир. Нима учун момо шу пайтгача болаларига эргалабгача қараб турган-а? Момонинг ўзи художўй, ҳалол кампир-ку! Нега Садоқатни эгри йўлдан қайтармайди?

Хотинининг хурмача қилиқлари бутун бир кишлоққа ёйилган бўлса керак. Тўхта, уйга келиб-кетувчилар нега бу қилғилиқдан оғиз очинмади? Ҳатто сирдош дўсти Умарали ҳам лом-мим демади. Балки Илснинг дилини хуфтон қилмайлик, ўзи билиб олар, дейишгандир. Балки Садоқатни аяшгандир. Тагин ким билди? Лекин шуниси аниқки, Садоқатнинг ўйнаши бор...

Ҳадемай Садоқат уйга қайтади. Келсин-чи, яхшилаб тергайди.

...Азон овози эшитилди. Бироздан сўнг Садоқат хонага аста кириб келди. Илс эса, ўзини ухлаганга солиб ётаверди. Садоқат ухлаётган болаларига, эрига бир қур нигоҳ ташлади. Кейин нонушта тайёрлашга киришди.

“Ғоҳиша! Бузуки! Бундан буёқ менга бегонасан!.. Сеннинг ҳаром қўлингдан нон еганимдан кўра, очимдан ўлганим яхш!”

кўнглидан ўтказди Илс ва ўрнидан турди-да, чопонини кийиб, ҳовлига чиқди. Куз ҳавосининг изғирини баданини жунжиктирди. У кишлоқ четидеги дашта отланди. Болалигида ўйнаб-ўсган дала. Бу ерларга кадам босмаганига ўн йилдан ошибди. Қир устига чиқиб, сайхонликка разм солди: баҳорда тошган сел сувлари арна ҳосил қилибди. Авваллари бу ерлар текис сойлик эди. Болалар тўпланиб чиллак ўйнашарди. Кўкларда бу қирлар файзли бўлиб кетади. Қиру сой, ям-яшил майсалар, алвон-алвон чечаклар билан бурканади.

Илс Садоқат билан бир синфда ўқиган, ҳатто бир партада ўтиришарди. Мактабни битирар кезлари баҳорда синфдошлари билан шу ёвонга сайрга чиқишганда Илс сўйилиб кетиб, “Садоқатхон, бу менинг

САДОҚАТ

сенга бўлган чин садоқатим рамзи!” деганича тап тортамасдан Садоқатнинг икки чеккасига кирмизи лолақизғалдоқларни кистириб қўйганди. Буни кўриб, қизлар баралла қулиб юборишган, йигитлар Илсга хайрихоҳ бўлишганди. Садоқатнинг чехраси эса, лола тусига кирганди. Синфдоши Шайман ҳам Садоқатга ошику бекарор эди. Илснинг жуъръати уни танг қолдирганди.

Илс институтга кирди. Ўқишини тамомлагач, бир йил армия хизматини ўтади. Кейин Садоқатга ўйланди. Садоқат номига монанд садоқатли, вафодор аёл эди. Рўзгорининг бору йўғига чидаб келарди. Эрига ҳам, болаларига ҳам маънода содиқ эди. Илс қаерда бўлмасин, Садоқати билан чексиз гурурланиб юрарди.

Бугун уятчан ва номусли, ориятли ва ибодил Садоқат йўқ. У беҳаё, беномус Садоқатга айланиб ултурган. Эри, оиласи олдида унинг юзи қора.

Илс дўнглик устига бориб ўтирди. Ғам, тушқунлик унинг юрагини баттар эзарди. Нега унинг омади юришмайди? Сақиз йил бурун отаси қазо қилди. Орадан икки йил ўтиб, онаси вафот эди. Ота-онадан айрилган икки ака-ука бир-бирига суянч бўлди. Бундан буён ғам-ғуссаларни унутаёй деганида бошига яна иш тушди. У шайтоннинг сўзига учиб, жиноят қилди, қилмишига яраша жазосини олди. Гарданига “қамалган” деган тавки лаънат осилди.

Илс нима қилишини билмасди. Боши қотди. Тубсиз, адоғи йўқ ўйлар исқанжасида қолиб, бутун кунни у ёқдан-бу ёққа ивирсиб юриб, шу зайлда ўтказди. Кеч тушди, тева-

ракка қоронғилик чўққанини ҳам сезмади у. Юзларига ёмғир томчилари урилгандай бўлди. Кўнглига ваҳм, хиралик солиб, кўкда қоп-қора булутлар сузиб юрибди. Булутлар баайни Илснинг авзойидек сиёҳ. Совуқ қотганини пайқайди.

Нурга қулганган кишлоғи томонга боқди. Электр чирокларидан сочилаётган милт-милт ёғду ажиб манзара қасб ётарди. Қоронғида қимдир қўй-қўзиларини қур-ей-қурлаганча уйига ҳайлаб борапти. Унинг эса, уйга боргиси келмас, шармини унутган бир ҳаёсизнинг башарасини кўришга тоқати йўқ эди. Уйда фақат бир илинжи бор эди: норасида, бегуноҳ болалари...

Шу умидда шошилмай жунади. Хуфтонда уйига кириб келди. Болалари аллақачон товқатланиб бўлишганди.

– Илс ака, овқатингизни ейсизми? – сўради Садоқат ҳадик аралаш.

Илс хотинига сўз қотиш туғул, беандиша туркига қарашиниям эп кўрмади. Ундан жирканди.

– Илс ака, эрталадан бери қаёқларда қолиб кетдингиз? – деди яна Садоқат эридаги бетоқатликини тушунолмай.

– Мен бировларнинг аллақаёқларда санғиб юргани билан ишим йўқ-ку! – Илс хотинига терс муомала қилди.

Садоқат лаблари пирпираб учиб, эрига бирров назар ташлаб қўйди. Илс хотинига яна нимадир дейишга чоғланди. Аммо гапни чувалаштиришни истамади. Бўлак хонага ўтиб, ўрнига чўзилди. Бутун вужуди зил-замбил бўлиб, хаёлот ботқоғига ботиб борарди.

Илс жойидан илкис турди-да, кўрпача устида чордона қуриб ўтирди. Бироздан сўнг Садоқат яна қайгадир ошиқади. Йўқ, орқаворотдан бунақа эзилишининг нима кериги бор? У шу бугуноқ ҳаммасига нуқта қўяди. Иккаласиниям бурдалаб ташлайди! Бошқача бўлиши мумкин эмас! Бироздан кейин мудҳиш ниятидан воз кечди. “Ўлдирсанг ўлдирарсан. Сўнг беш-ўн йилга камалиб кетасан. Хўш, нима ўзгаради? Болаларинг тирик етим бўп, қимларингдир эшигида сарғайиб, ёзмишидан нолий-нолий эллаб-сеплаб кунини ўтказса-да! Шунча азоб-укубат тортганинг етмайди? Иблисга хай бермоқ лозим”.

Йўқ-йўқ, бунақа иснодин кўтариб юрганидан кўра, яхшиси унинг жавобини бериб юборарди. Сих ҳам қуймайди, қабоб ҳам. Хушгори билан яшайдими, бало-баттар биланми, унга

фарқи йўқ. Кўзидан даф бўлса, бас...

Эшик гичирлаб очилди. Хотини оёқ учида чиқиб кетаяпти. Илс дарров сергақланди. Дарвоза қопкаси ҳам очилиб-ёпилди. Илснинг онгига бир мақбул фикр келди: Садоқатнинг пайига тушиши керак! У ҳам ташқарига чиқиб, хотинининг изига тушди. Садоқат илдам юриб, кўча тарафга ўтди. Хотини тўхтаб, изига қайрилмоқчи бўлса, дарахтга паналаб зимдан таъқиб қиларди.

Билса-билмаса, Садоқат Шайманнинг уйи томон борапти. А-ха, тўппа-тўғри Шайманнинг уйига... Илснинг йўқлигидан фойдаланиб, эски ошиқ унинг бошини айлантириб олган бўлса-я?! Вой, сабил қолгур зикна-ей! Тўхта, хотини хар қуни Шайманнинг уйида нима қилади ўзи? Ахир, унинг ҳам бола-чақалари бор-ку! Йўқ, янглишибди. Садоқат Шайманнинг уйига кирмай ўтиб кетди. У тагин қаерга бораркин?

Садоқат қадимини тезлатиб қатта кўчага бурчилди ва қаршидаги универмагининг орқа тарафига ўтди. Илс ҳам жадаллик билан бориб, бурчақдан уни ўғринча кузатди. Темир панжара билан қуршалган узун бинонинг атрофи ва ичи игна йўқолса топиб олгудек даражада чароғон эди. Садоқат панжарали дарвоза яқинига бориб, ёши ўтинқираган кишига салом берди. Илс уни таниди: Аҳмад чўтир-қў! Топган одамнинг сенинг... Аҳмад чўтир Садоқатни тавозе билан қаршилади-да, дарвоза қопкасини очиб, бинога киритиб юборди. Ўзи эса эшикчини илдирмасдан нари кетди. Бино ичиде чиритқаларнинг зорланди чир-чирлашига ўхшаш чигиллаган товуши эшитиларди. Илс шипиллаб юриб, ўша бино деразасидан мўралади. Эшиқбон ҳам жойида йўқ экан. Ўзини панана олганича бўсагадан одимлади. Аммо останада хайратдан ёқасини ушлаб, бир муддат довдираб қолди.

Кенг хонада эгиларига бир хилда яшил камзул кийиб олган йигирма чоқли аёлу киз зал бўйлаб ўрнатилган раста-раста тикув дастгоҳлари ёнида ўтириб ниманидир тикиши билан машғул эдилар. Хайриятки, хотини унинг изма-из пойлаб келганини сезмади. Ишчи аёллар ҳам уни ё кўришмади, ё эътибор беришмади. Садоқат девор ёнидаги шкафни очди-да, иш қийимларини кийиб, дастгоҳи ёнига бориб ўтирди. Бироздан сўнг Садоқатга тегишли тикув машинаси ҳам бир маромда ишлаб бошлади.

Илснинг манглайига совуқ тер тепчиди. Аъзон бадани музлаб кетгандек бўлди. Негадир тўйиб-тўйиб йиғлагиси келди.

Ўпкаси тўлиб уйига қайтаркан, шундоқ мунис ва вафодор аёли ҳақида чиркин ва бўлмағур ўйларга берилиб, қовоқ-тумшуғи осилиб юргани учун ўзини қойирди.

Тун чекиниб, тонг оқара бошлади.

Navoiyonlik

Баҳор насими нафаси билан лола оловини ёритиб, гунча пардасини очганда, балки лолаю гул япроқларини чаман гуллари бошига сочганда, ҳокон билан Фарҳод гулноранг касрга киришга мойил бўлиб, гулранг май ўти билан базмини равшан қилиб; чаман чечаклардан бўшаб, дарахт шохлари ям-яшил япроқлар билан зангори осмондан намуна бўлганда, райхоний касрда шодлик базмини тузиб, райхоний май ичиб; дарахт яшил кийимини заъфарон ранг харирилга алмаштириб олганда, заъфарон ранг касрда олтин қадаҳга сап-сарик май куйиб; қаҳратон киш савдолари бог либосини оппоқ қилиб, балки тоғу сахро момиқ ранг бўлганда кофирий (оқ) касрда биллур ранг қадаҳ ичига оқиш май куйиб ичиб, хар боғда уч ойдан айшу ишрат қилиб, бир йилни шундай шодмонлик билан ўтказиб, ҳокон Фарҳоднинг миждозига чора қила олмагани.

Кўёш ҳамал буржиги ўтганда, чаманда гул-чечаклар ханда қилади. Яратган бор меҳрини оламга сочади, жумла жаҳон бутун чиройини очади. Аллоҳ оламга бағрини кенг, туну кунни яна тенг қилади. Самовотдан басма-бас ёққан ёмғир билан гуллар димоғи ҳўл бўлади. Шиддат билан гоҳ жала, гоҳ сел ёғиб, наргис бошини куйи солиб, бели буқилади. Наргис гулини маъсум уйкуда кўрган гунчалар юзида табассум ўйнайди. Хар бири басма-бас ханда қилгани боис уларнинг чиройи гул-гул очилади. Булутлар гоҳида дўллар тошини отгани боис қулгидан барча гунчаларнинг бағри тош қотар. Гунчалар токи қулгидан ҳеч тинмас экан, бунга наргис ухлайгани боис деманг. Наргис зафар жомини очгани учун зафар жомдан гунчалар шоду хандон қулади. Шу жомдан шароб ичмаган бўлса, нима учун гунчаларнинг оғзи заъфарон? Гарчи уларнинг оғзи заъфарон бўлмаса ҳам, лабларида сарик заррачалар ниҳон. Сарик зарраларга иштиёқманд бўлгани боис дунё уларнинг юрагини тор қилиб қўйди. Зарраларни тўқай деб уларнинг қадди ниҳун, йўқса, нечун белларини тугиб боғлаб олган? Боғда булбул фиғонидан гулнинг бағри вайрон бўлади. Фиғонни гул ўз қатига жо қилгани боис гулнинг хар япроғи булбулнинг патига айланади. Алвон бу гул, албатта, булбул ишқига лойиқ, шу боис халойиқ уни оташин гул деб атайди.

Шаббода гул баргини учирганда, тўрт томонга учқунлар сарагандай бўлади. Гулшан сахни сарбасар гул билан тўлади, латофатли гулшан эса гўзал гулга ўхшайди. Тонг ели ҳам гуллар сочаркан, чаманзорни алангаю нур қоплайди. Бу аланга ёнини булбул маскан қилади, қанот қоқиб алангани яна ҳам равшан қилади. Чаманда гуллар очилар экан, ифори бутун чаманзорни тугиб кетади. Само кўзгусида алвон ранг акси жилва қилаётган турфа гулларнинг ракси ром қилади. Хар чечакда ўзгача шаклу шамойил, шох гулгун каср сари мойил бўлди. Барча бахтиёр бўлиши учун гулшанда бисёр нозу неъматлар тайёр қилинганди. Қасрга гиламлар ҳам чирой бахш этганди, ниҳоят шохона тахт ҳам ўрнатилди. Тахтда шох, унинг ёнида шаҳзода, ўткир бода хар дилга шавку завк бахш этарди.

Тахт ёнига гулранг курси қўйилди, унга Мулқоро аста жойлашди. Давра ахлини ҳушуд қилиб, бир неча чинлик дилоромлар хиром қиларди. Гул юзли соқийлар


алвон май тутар, базм аҳли томчи ҳам қолдирмай сипкорарди. Хонандалар гуллар фаслида куйлаган булбул каби ёниб-ўртаниб хониш қиларди. Барча кадрдону жўралар яйра экан, турфа гуллар дарчадан мўралар эди. Базм гул сайлидан сира фарқ қилмас, зотан, базм аҳли гуллар ичра фарқ эди. Шаҳзода Фарҳод аргувон шароб сипкораркан, гулдай рухсорига боқиб ҳокон қувонарди. Фарзандига сира тўймасдан боқар, икки кўзидан қувонч ёшлари оқар эди. Меҳрини хар дақиқа изҳор қиларкан, бошидан гулу жавоҳир сочарди.

га илон каби ўралади. Майсазорлар яшил саҳифадай, ариқлар улар белидаги кумуш тасмага ўхшайди. Ҳовузлар ойнадай жуда тиник, унда ўт-ўланлар жилваси акс этади. Бу сувлар боғнинг рухсори бўлса, майсазорлар тукли узорига ўхшайди. Жаннат боғи каби ободу гўзал фасл.

Ҳокон яна шохона сафарга отланиб, яшил гулшан сари равона бўлди. Яшил касрда ҳам қадаҳлар қўлма-қўл бўлиб, жаҳоннинг бор ташвишини унутдилар. Фарҳод билан ҳоконнинг эғнида шойи, улар сарбаланд Чин тахтининг юлдузу ойи эди. Чек-

Шойи дарпардалар барчаси зарҳал, гўзал дурлари юлдуздай чакнардди. Барчасининг шода гавхар, дури бўлиб, дуру гавхар каби аъло нури ҳам бор эди. Муганнийлар дилкаш наволар чалар, зарҳал каср ичида шўх садолар янгради. Дастурхонда аъло олтиндай лимону норанжлар, ёнида тилладай беҳилар ҳам бор. Базм аҳли беармон кўнгилхушлик қилди, дунё бино бўлиб бундай шодиёна базмини кўрмаганди. Бу касрда шароб тароналар сармаст қилиб, улар уч ой яйрадилар. Ҳаво совиб япроқлар тўқилди, илк киш қаҳри сувлар симобини мар-

“САБЪАИ САЙЁР” ТАБДИЛИ



Наинки бутун базм аҳли ва ҳокон, балки бутун Хитой ва Чин халқи Фарҳод учун жон беришга ҳам тайёр эди.

Фалакда гоҳ офтоб, гоҳ ой балқиб, яна бир фасл – уч ой ортада қолди. Базм аҳли эса ҳамон гул рангли касрда, ёқутдай шаробдан сармаст эди. Бешафқат замон шамоли чаманни барча гуллардан холи қилди. Гуллар бағри тупроқ қаърига жо бўлди, бироқ дарахтларни ям-яшил япроқ бағрига олди. Жаҳон боғи наинки ям-яшил, хатто самовот сингари мовий тусга кирди. Сарву санобларнинг жамоли, қадди эса жўмард Фарҳод мисоли равон эди. Чамандаги хар бир навниҳол сарву санобардай кўзни қувонтирарди. Хар бир япроқ тўти пати каби ром қилиб, хар бир ниҳол товусдай хиром айларди. Бири сув симирса, бири Хизр каби тождор эди. Агар товуслар боғи дарахтларга ўхшамаса, нима учун хар бир дарахтнинг оёғи товусга ўхшайди? Дарахт ҳам рўё маст қилгандай, бир оёқда турганча мудрайди. Агар норанж дарахтига назар солсанг, япроғи зар каби сап-сарик эканини кўрасан. Печак гул ҳам илон каби буралади, хар дарахт-

сиз ям-яшил фалак каби бир неча хуру малаклар яшил либос кийиб олишган. Қизил қадаҳ ҳам яшил чинни пиёла майсазор бағридаги лолани эслатади.

Чинни пиёладаги аргувон шароб эса, кўм-кўк самодаги шафақдай алвон эди. Яшил либос кийган соқий ширин қалом билан пайдар-пай аччиқ май тутуди. Ўткир шароб сармаст қилганлар кашничли қулчадан таскин ахтарарди. Дастурхондаги бисёр хилма-хил таомдан тағиб, барча хузурланар эди. Яшил касрда ҳам уч ой бўлдилар, бода ичиб шавку завкка тўлдилар. Ниҳоят, куз фасли боғларни кезар, уларни заъфарон ранг билан безар. Заъфарон касрнинг фурсати келиб, боғи очилди. Барча дов-дарахтларнинг бағри заъфарон, олтин офтоб каби зарафшон эди. Майсазорлар чоки аста сўқилади, чинор барглари ҳам охишта тўқилади. Чинорлар бағрига олов тушгандай барглари лов-лов ёнаётганга ўхшарди. Тонг ели сув узра гўё зар сочарди, жилғалар чиройини яна ҳам очарди. Хазонлар боғда қушдай учиб юрар, қуш каби замону самони ҳам кучарди. Саргайган япроқка кўнган зог эса сарик лола бағридаги лоладай кўринарди. Тераклар сарик касалига чалинган беморлардек, меҳру шафқатга зору интизордек кўринишда эди. Боғдаги дарахтлар ҳам сарик қушдай кўринар, хазон фаслида паришону сархушдай эди. Улар қанот боғлаб учсам дегандай бўлар, лекин фақат барглари учарди. Кечалари эсанг изғирин, дарахтлар япроғини заъфарон қиларди. Ошуфта ошиқдай совуқ ох тортиб, боғлар рангу рўйини зафар қиларди. Шамол хар томонга учирган хазонлар телбалар каби чарх уради. Дарахтлар бошларига заррин рўмол ўраб олгандай туюларди, хазон наққоши уларнинг барглари зарга айлангандай. Хазинада олтинлардай бог бағри хазон япроқлари билан тўлиб борарди. Олтин каср офтобдай порлар, хазонлар эса юлдузлару мохтобни эслатарди. Бу жуда гўзал фасл бўлиб, офтобу юлдузлар бир вақтнинг ўзида порлар эди. Шаҳзода билан шох олтин куз фаслида куз фаслига мослаб қурилган олтин қошонани оромгоҳ қилди. Уларнинг шойи либослари ҳам заъфарон тусда бўлиб, бир кўёш бағрида гўё жуфт осмон бордай эди. Зарҳал хонтахтада олтиндай шароб олтинранг офтобдай товланарди. Қаср гўёки олтиндан қилингандай эди, наинки каср заминию томи ҳам, шаробу жом ҳам чинакам олтиндай эди.

марга айлангирди. Самовот булутлардан юзига хижоб тортиди, булутлар ҳам самога симоб сочаётгандай бўлди. Ўлка бўйлаб қаҳри қаттиқ киш кезар, сувлар сатҳини мусаввир каби безарди. Булутлардан қатра-қатра ёмғир ёғар экан, хар бир қатра музлаб инжуга дўнарди. Ариқлар ҳам музлаб, улардан сув олиш муаммо бўлиб қолди. Фалак тундан кўмир саранжом қилиб олгандай эди, хар шомда шафақдан оловлар ёқарди.

Саҳар ели билан ўтга яна дам берар, исиниб олиш учун қаддин ҳам қиларди. Тўлиной ҳам чашма каби музлаб қолгандай кўринар, минглаб юлдузлар эса музлаган қатраларга ўхшарди. Замин Хитой кўзгусидан андоза олиб, тиник музлар билан қопланади. Совуқ оловнинг ҳам тағтини кесгани боис, у одамнинг қафтини ҳам иситмасди. Чўғлар хатто синжоб-чалик иситмас, аланга ҳам олтойи каби илитмас эди. Чўғлар ақиқ тошдай совуқ бўлиб ёхуд нами қочмаган қизил гулга ўхшарди. Олов эса айнан шу гулга, тутуни гул устидаги сунбулга ўхшарди. Қор устига яна қалин қор ёғиб, ҳовузлар беғубор тахтадай музлади. Ғариблар синиши учун кўлига тинмай пуфлар, бироқ сира исимасдан юз бора уфларди. Икки кўлини икки кўлтигига тикиб олар, бир йўла икки оқкасини ҳам қисиб кўнишиб турарди. Офтоб баъзида рухсорини очгани билан нур ўрнига оламга қор сочарди. Жумла олам қорга ботгандай, совуқдан ҳаво ҳам

котгандай эди. Замину самонинг тўрт томони ҳам оппоқ бўлиб, қаҳратон ҳамма томонга оппоқ байроқ тиккандай кўринарди. Пўстинлар ҳам қордай оппоқ бўлиб, кимлардир қалин пўстин билан жон сақларди.

Яна барча базмда мухайё бўлди, барчанинг чехраси сурайё каби чараклайди.

Базмда бир пари хиром қилганча, чинни қадаҳ тутиб одамларни ром қиларди. Элда овоза бўлган қадаҳи қордай беғубор ва тоза эди. Жуда шохона зиёфат бўлди, ҳеч кимса бирон эътироз билдирмади. Ўйин-қулгилар ҳам жуда зўр бўлди, завку шавки ошган одамлар эса хонандага жўр бўлди. Базм билан уч ой ҳам кўз очиб юмгандай тез ўтиб кетди, тўртта касрда ҳам тўй ва тантаналар бўлди. Буларнинг барчасидан ягона мақсад шаҳзоданинг шароб ичиб, кўнгилхушлик қилишидан иборат эди. Қувончи завку шавк мавжида ошсин, жўшқин дарё каби тошсин дегандилар.

Лекин Фарҳод кўнгли ҳамон хира эди, зотан, тақдир ҳукмини ким ҳам ўзгартира оларди? Фарҳоднинг юрагин ҳамон дарду гам ўртар, ҳамон сира ҳам тинчлик бермасди. Биров зор йиғласа, у ҳам зору зор йиғлар, жафокаш халқ билан бирга азоб тортарди. Ўртанганлар билан жони ўртанар, ҳатто жону жаҳони оловда қуярди. Халқ ғамидан наинки кўнгли ғамнок, хатто кўкси ҳам чоку чок бўларди. Кимки ишқ дардидан ривоят қилса, ундан ишқ ривоятини қайта-қайта тингларди. Ишқу мухаббатнинг барча сиру асрорларини ўрганар, бир йўла қалбига жо ҳам қиларди.

Кимдир висол завқидан сўз очса, завку шавқини яйраб ошқор қиларди. Кимки хижрон азобидан сўзлайди, шу ондаёқ кўзидан ёш тўқиб бўзлар эди. Бирон-бир чора наф бермаганидан ҳоконнинг бағри ўртанарди. Чорасиз тошдай қотганда хайрон бўлар, лолу хайрон неки, бағри вайрон ҳам бўларди.

Эй соқий, мен ҳам қадаҳсиз жуда хайронман, хатто юраги вайронман, шу боис дарҳол қадаҳ тутгин. Зотан, ишқ дарди ошиқнинг бағрини пора қилса, бу дарднинг ягона давоси шаробдир.



Абдуғани ЖУМА архивдан

Kitobingizni o'qidim

Кези келганда донишманд адибларнинг бир қозғи сўзи залворли асарлар яратилишига туртки бўлади. Ғоя, мавзу тақдим этади. Ўша ғоя, ўша мавзунинг жиловидан маҳкам тутиб олдингизми, марра сизники, бамисоли шамол елгани қайиқчага қанот бағишлайди.



Таниқли адиб ва публицист Ахмадҷон Мелибоев буюк ҳинд адиби Рабиндранат Тхакурда учратган “сенинг имзойинг” ибораси “далда”сида “Эркин Воҳидовнинг имзоси” деб номланган хотира-эссе китобини ёзди. “Ёзди” деймизу, бу каби хотираларни излаш, териш ва тартибга келтириш шунчаки қоғоз қоралаш эмас, балки кўп ва узок йиллик ижодий меҳнат мевасидир. Китобнинг хар саҳифасида муаллифнинг ижод услубига хос бўлган синчковлик, қузатувчанлик, энг муҳими, теварак-атрофда содир бўлаётган воқеаларни хар кун-хар соатда қоғозга тушира бориш интизоми қанда бўлмаганини кўриш, сезиш мумкин.

Раҳматли Эркин ақанинг доимий чекадиган имзоси кўпчилиққа таниш эди. Энди ўйлаб кўрилса, назаримда, ўзаги “Э. Воҳ”дан иборат имзонинг замирида бир олам маъ-

но-мазмун яширингандек, ушбу “Э, воҳ!”нинг ўзидан ҳам улкан ШО-ИРнинг ҳаёт йўлида кечирган эзгу ниҳоллари, орзу-ҳаваслари, қувончу шодлиқлари... дарду армонларини “ўқиш-уқини” мумкин.

Ахмадҷон Мелибоев эса, микёсини кенг олган. “Зукко китобхон, – деб ёзади муаллиф, – кўп ҳолларда бадийи асар, шеър, хикоя ёки публицистик мақола сўнггидаги имзони кўрмай туриб ҳам муаллифнинг “имзо”сини танийди. Чунки бу имзо асар саҳифаларига сингиб кетган нурдай, хар фикр – тасдиқ ёки раддияда яққол кўришиб туради”. Демак, Ахмадҷон ака “Имзо” деганда Эркин Воҳидовнинг сон-саноксиз, ранг-баранг асарларида эмас, балки халқимиз ва жамиятимиз ҳаётида, у фаолият кўрсатган, иштирок этган

МИСОЛИ ОЛТИН ҚУМ ЗАРРАЛАРИ

катта-кичик, расмий-норасмий доираларда, ва албатта, миллий адабиётимизнинг қайноқ жараёнларида нақадар кенг ўрин эгаллаганини, қанчалар нур таратиб турганини назарда тутган.

Шаҳси ва ижоди бир-бирига мутлақо ўхшамасдан машҳур адиблар жаҳон адабиётинида истанганча топилади. Лекин Эркин Воҳидов ҳақида сўз борар экан, ўзгача манзара гувоҳи бўлаемиз. Зеро, атоқли шоиримизнинг инсоний феъл-атвори, шаҳси унинг бадийи тафаккурида нечоғли яққол намоён бўлса, бадийи тафаккури-ижоди унинг шаҳси-қамоллида ҳам бутун бўй-басти билан кўзга ташланади. Китобнинг аввалида келтирилган Озод Шарафиддини, Абдуқодир Хайитметов, Иброҳим Ғафуров, Роберт Рождественский сингари атоқли адибларнинг Эркин Воҳидов ҳақидаги шингил хотираларида ҳам ушбу ҳол таъкидланган. Кейинрок Ғафур Ғуллом, Абдулла Орипов, Умарали Норматов, Наим Каримов, Анвар Обиджон, Жамол Камол, Икбол Мирзо, Хуршид Даврон, шу-

нингдек, Неъматилла Иброҳимов, Хайриддин Султон, Сироҷиддин Саййид, Неъматилла Худойберганов ва бошқаларнинг сўзларидан келтирилган иқтибослар эса юқоридаги таърифларни хар жиҳатдан тасдиқлаган.

Ҳақиқатда Эркин Воҳидов файзли инсон эдилар, у киши иштирокидаги йиғину анжуманлар, машварату давра суҳбатларида ўзгача файз, ўзгача шукух тафти таралиб турарди. “Эркин Воҳидовнинг имзоси” китобининг марказий йўналишини ана шу мавзу ташкил этади.

Атоқли ижодкорлар китобига сўзбоши, йўлланма ёки муносабат ёзиб бериш юзасидан кўплаб муружаатлар, илтимослар тушади. Аксари ҳолларда нуқулай вазиятлар кўлни ушлайди. Қандай муносабат билдириш керак, тўғри сўзининг қаловини топмоқ учун қандай ёндошмоқ зарур? “Лекин, барибир, – деб ёзган эди Эркин Воҳидов сўзбошиларидан бирида, – ёзувчи хар қандай шароитда ҳам замон гирдобларидан четда тура олмайдди. ...Ким виждон сўзини айтгану, ким замонасозлик

қилган, албатта, тарозига қўйилмади... Истеъдод замирида азалдан ҳақсизликка қарши исён этади”. Эркин Воҳидовдек улкан ҳаётий таъриба ёғиси ва зукко инсон одамларни, жамият микёсида юз берган воқеа ва ҳодисаларни қадимий Шарқ донишмандлари янглиғ баҳолар, мўлжалли аниқ олар, теран фикр-мулоҳазалар айтларди. Фалсафий фикрларга ва хикматларга бой мутойибалари мураккаб вазиятларда кўнгилларга осойишталик бахш этарди.

...Араб давлатларидан бирида қутилмаган фавқуллода ҳолат юзга келди. Нимадир бўлди-ю, юксак мартабали меҳмон бўлиш Ўзбекистон Президенти И.Каримов ва маҳаллий давлат бошлиғи тадбирнинг бошланишини санокли дақиқа қутиб қолиши. Шунда ўша давлат мулозими вазиятдан чиқиш ниятида, шекилли, ўз Президентига Эркин Воҳидовни: “Бу киши Ўзбекистоннинг қатта шоири” деб таништилади. Маҳаллий Президент юз берган мажбурий қутиб қолишдан мутаассир бўлиб, “Ў-ў, у ҳолда

бир шеър эшитайлик”, деб Эркин акага илтифот кўрсатади.

Нима қилиш керак? Шеър ўқилмаган жой эмас. Фурсати эмас. Борди-ю, шеър ўқишга киришилса, ўзимизнинг Президент қайфияти нима дейди?..

– Ташаккур, Президент жаноблари, бироқ Мутанаббийдек буюк шоирлар шеър ўқиган заминда бизга йўл бўлсин, – дея лутф қилади Эркин ака, хозиржавоблик билан.

Қадимий араб дунёси шеърятининг буюк намоёндаси исми ни ўзбек шоири тилидан эшитган маҳаллий давлат раҳбари тасанно айтиб юборди. Шу билан орадаги санокли қутиш лаҳзаларида юз берган хижолатбозлик гўзал тарзда ўртдан кўтарилди.

Мухтасар айтганда, китоб муаллифи топиб ёзганидек, “Эркин Воҳидовнинг ўлмас ижоди олтин қум зарралари каби бадийи сўз оламига сочилиб кетган”. Китобдан ўрин олган хотираларнинг бадийи қиммати ҳам сочилиб кетган ўша олтин қум зарраларининг бир жилд орасида жамланган ҳолда кенг қитобхонлар оммасига тортиқ этилганида.

Хуршид ДҶСТМУҲАММАД

Bolalar bekati

TOMCHIVOV KURASHISHGA SHAYLANDI



MUZQAYMOQ

Dadam berdi singlimga Muzqaymoq uchun ko‘p pul. Do‘konga ketdi shoshib, Juda xursand, misli gul.

Keldi qvonchdan yayrab, Qo‘lida esa qaymoq. Muzqaymoq olmadingmi? Savol berdim o‘sha chog‘.

Javob berdi shodlikdan: Opa, rangi ham oppoq. Muzlatgichga salsak biz Zo‘r bo‘ladi muz qaymoq.

Tasanno ABDUVAHHOBOVA, Erkin Vohidov nomidagi ijod maktabi 9-sinf o‘quvchisi



TOMCHI

Tarnov uzra bir tomchi Maqtanarkan inmasdan. Shu on kelib izg‘irin Gapin bo‘ldi bilmasdan.

Jahli chiqdi tomchining Izg‘iringa baqirdi. O‘z kuchiga ishonib Jang qilishga chaqirdi.

Shiddat bilan tomchivov Kurashishga shaylandi. Mag‘lub bo‘lib, afsuski, Sumalakka aylandi.

Nodirabegim SAIDJONOVA, Erkin Vohidov nomidagi ijod maktabi 9-sinf o‘quvchisi



DOVUCHCHA

Yegim kelar dovuchcha Qani bo‘lsa bir hovuch. Istak shu bog‘ga bordim, Orzu dedi meni quch.

Daraxt shoxidan ushlab, Sanadim: bir, ikki, uch. Va silkita boshladim, G‘o‘ralar men tomon uch.

G‘azablangan daraxtdan Tushdi kattakon g‘o‘ra. Meni mo‘ljalga olib, Boshimni qildi g‘urta.

Gulyora HOSHIMJONOVA, Erkin Vohidov nomidagi ijod maktabi 9-sinf o‘quvchisi

ДУБЛЯЖ САНЪАТИ ТАРИХИ

Куни кеча ўз ишини якунлаган XV Тошкент халқаро кинофестивали доирасида кўплаб кизикарли тadbирлар, учрашув ва суҳбатлар бўлиб ўтди. Кўпчиликнинг ёдида узок вақт сақланиб қоладиган тadbирлардан бири дубляж санъатининг 85 йиллигига бағишланган учрашув бўлди, десак янглишмаймиз. Мазкур тadbир



Taqdimot

киномаатографи-ямизнинг ажралмас қисми бўлган ўзбек дубляж санъати тарихи, устоз санъаткорларимиз ҳаёти ва тажрибаси, қолаверса, бугунги ижодий жараёнлар хусусида батафсил сўз юритилади.

Китоб мундами бош муҳаррири Комилжон Турсунбоев ҳамкорлигида chop этилган “Дубляж санъати тарихи” (муҳаррирлар: М.Раҳматиллаева, М.Насриддинова) номли китобнинг тақдими ўтказилди.

Ўзбекистон Кинематография агентлиги бош директори Ф.Абдухолиқова китобдаги сўзбошисида шундай ёзади: “Шубҳасиз, кинонинг таъсир-

чанлигини таъминлашда, маълум ва мазмунли томошабин қалбига чуқур олиб киришда, шунингдек, миллий кинони жаҳонга олиб чиқиш ва хориж киносининг сара намуналарини ўзбек томошабинига етказиб беришда дубляж санъати муҳим ўрин тутди... Ушбу

китобда миллий кинематография-ямизнинг ажралмас қисми бўлган ўзбек дубляж санъати тарихи, устоз санъаткорларимиз ҳаёти ва тажрибаси, қолаверса, бугунги ижодий жараёнлар хусусида батафсил сўз юритилади.”

Китоб мундами бош муҳаррири Комилжон Турсунбоев ҳамкорлигида chop этилган “Дубляж санъати тарихи” (муҳаррирлар: М.Раҳматиллаева, М.Насриддинова) номли китобнинг тақдими ўтказилди.

Ўзбекистон Кинематография агентлиги бош директори Ф.Абдухолиқова китобдаги сўзбошисида шундай ёзади: “Шубҳасиз, кинонинг таъсир-

Gul ko‘p, chaman ko‘p...



ҒАРОЙИБ ИҚТИДОР

Лермонтовнинг серкира истезоди болалик чоғидаёқ яққол намоён бўлган: у ифодали, қофияли сўзлаб, чиройли суратлар чизиб, турли мусика чоғуларига куйлар чалиб, катталарни хайратга соларди. Ҳатто турли нарсалардан кўғирчоқлар ясаб, кўғирчоқ театри ўйнардди. Бундан ташқари, математикага кизиқиши ортиб, кечалари ухламай мураккаб масалаларнинг ҳам ечимини топарди.

ДУЗА

Ўн саккиз ёшида Лермонтовнинг М.Лопухинага ёзган мактубида шундай сатрлар бор: “Кексалик азобини тортадиган кўра кўкрагинга ўқ тегиб жон берган яхшироқ!” Орадан тўққиз йил ўтиб шоир шу тарзда халок бўлади.

РАССОМ

Шоир қанчалик чиройли шеърлар ёзган бўлса, расомлик санъатида ҳам бундан кам бўлмаган. У табиат тасвирлари, портретлар, ҳарбийлар ҳаётига оид манзаралар ва карикатуралар чизган. Лермонтов таниқли расом Петра Заболотскийдан сабоқ олган. Ҳозиргача Лермонтов чизган 350дан ортиқ тасвирий санъат асарни сақланиб қолган.

ҲАҚИҚАТ

Лермонтов Кавказга кетишдан олдин Петербургда машҳур бўлган фолбин, А.С.Пушкинга “оқ от, оқ соч ва оқ одам”дан эҳтиёт бўлишни башорат қилган Александр Кирхгофга дуч келади. Лермонтов ҳам ундан яна пойтахтга қайтиб келаманми, деб сўраганида олмон кампир бошини “йўқ”, деган маънода сермайди.

ЛЕРМОНТОВ ПОРТРЕТИ

Айтишларича, Лермонтовнинг ҳеч бир портрети унинг ташқи киефасини аниқ кўрсатиб беролмайди. Қолаверса, аксариятида турли одамлар киефаси акс этган. Нисбатан аниқ портретлар шоирни яқиндан билган П.Заболотский ва Д.Пален мўйқаламига мансуб бўлиши мумкин. Лермонтов картиналарда чиройли навиқирон йигит киефасида тасвирланса-да, замондошлари уни бошқача: пахана, кенг елкали, боши катта, оқ аралаш қора сочли, эгнига мос тушмаган шинель кийган холда хотирлайдилар.

ҲАРБИЙ

Лермонтовнинг асосий касби ҳарбий, ammo жанговар касби ҳақида кам гапирилади. Афсусларига Лермонтовни француз элчисининг ўғли билан дуэлга чиққани учун Кавказга юборишганда, унга партизанлар гуруҳини ишонли топширишган, бу гуруҳ ҳозирги махсус тайёрланган жанговар гуруҳлар бажарадиган вазифани бажарган. Унда мохир ҳарбийлар жамланган бўлиб, аскарларнинг ҳаммаси ҳам бўйсунини истамаган. Унинг аввалги йўлбошчиси Дорохов ҳақида турли гаплар юрарди. Дорохов ўзининг ўрнига фақат Лермонтовни муносиб деб топади ва бу борада адашмайди. Қисқа вақтда шоир сафдошлари орасида ҳурмат қозонади. Ҳарбийча ҳаёт тарзида ибрат кўрсатилган ташқари, унинг жасоратига хатто жангари кавказлик йигитлар ҳам тан беришган.

МАШЪУМ ДУЗА АРАФАСИДА

Машъум дуздан олдин Лермонтов Пятигорскдаги таътилни чўзиш ёки хизмат жойига қайтиш масаласини ҳал этиши лозим бўлади. У иккиланиб қолади ва танга ташлайди. Тангани олиб кўрганда Пятигорскда қолиши лозимлигини билади. Орада икки кун ўтиб, шоир Мартинов билан жанжаллашиб қолади ва дузда ўлдирилади.

Николай Мартинов шоир билан бирга ўқиган ва уни ҳурмат қиларди. Унинг қундалигида шоир ҳақида шундай сўзлар битилган: “У ақлий салоҳиятига кўра ўртоқларидан шунчалик илгарилаб кетгандики, унга тенглашишнинг иложи йўқ эди”. Бироқ Лермонтов дўстига қалтис ҳазил қилар, айниқса, кизлар олдида. Бир кун Мартинов ўзини босолмайди ва уни дуэлга чақиради. У отини билмас эди, ammo шоирга етказган жароҳати оқибатда ўлимга олиб келди. Гувохларнинг айтишича, Мартинов нафас олишдан тўхтаган Лермонтов жасади устида кўзёш тўққан. Ammo кеч бўлган эди.

Ҳабиб СИДИҚ

Hajviya

Илгари сабоқдош йигит-қизлар мунажжим башоратини ўқиб, айримлари унга ишониб, ҳаётидаги турли воқеа-ҳодисаларни изоҳлашса, гоҳ кулгим, гоҳ ғашим келарди. Қаёқдаги чўпчакларга ишонишадия, ёзаверади-да оғзига келганини, дердим. Лекин кейинги пайтларда ана шу башоратлар менга ҳам чипшачиндай туюла бошлади.

Стипендияни “ювиш” учун тўрт улфат жам бўлиб “кит-тай-киттай” қилган эдик. Сал ошиб кетибди, шекилли. Бошим қаттиқ оғриб, кўзим юмилиб кетяпти. Лекин қаттиққўл устознинг дарси. Ўтган сафар топшириқни бажармаганим учун қаттиқ оғохлангирган. Бугун даредан хайдаб чиқариши аниқ. Бирок дарс бошланишига кўнғироқ чалинса ҳам устоздан дарак бўлмади. Сардоримиз ўқитувчилар хонасига бориб билиб келди: устоз келолмас экан, велосипеддан йиқилиб, оёғи лат еган эмиш. Беихтиёр “хайрият” деб юбордим. Кечаги газетадаги башоратда “Омад сиз томонда” дегани тўғри бўлиб чиқди.

“Сизни ишқий саргузаштлар кутмоқда. Сатурн сайёраси сизга қулай имкониятларни ваъда қилапти. Омадни кўлдан берманг”. Бундан уч-тўрт кун илгари газетанинг сўнгги саҳифасида эътибор бериб-бермай шунчаки ўқигандим бу гапларни. Бирок улар бутун фикру ёдимни банд этди. Ҳатто дарсада ўтирганимда ҳам, тикилич автобусда ижара хонадонимга кетиб бораётганимда ҳам, бошимни ёстиққа қўйганимда ҳам шу ўй, шу саволлар мени тарк этмайди: “Ана шу саргузаштларнинг қахрамони ким бўлади?... Қани ўша “қулай имкониятлар?” “Омадни кўлдан бермаслик” учун нима қилишим керак?!”

Вилоят кутубхонаси олдида ўн-ўн беш кун илгари дискотекада танишган киз билан тасодифан учрашиб қолдик. У бир дугонасини кутиб турган экан. Қорамғизгина, чарос кўзлари,

пиликдек қошлари ўзига ярашиб турган сарвқомат киз билан жиндай суҳбатлашиб турдик.

– Ўша куни ҳар жума виллоят кутубхонасига бораман, деган эдингиз. Интизомли йигит экансиз. Сизга жудаям ҳавасим келяпти, – деб қошини учуриб қулди киз. Жилмайганда тилла тишлари хиёл кўриниб, чиройи яна ҳам очилиб кетди. Ой деса ойдек, кун деса кундек ана шу ҳурилиқнинг ним табассуми юрагини “жиз” эткизди-ю ҳаловатим йўқолди.



Кутубхона ёпилиб қолмай, қўлимдаги китобларни топшириб қўйиш учун ичкарига кирдим. Шоша-пиша ишларимни битириб, янги китоб ҳам олмай ширин суҳбатни давом эттириш илжинида чикқанамда киз жойида йўқ, атрофга сокин окшош чўқа бошлаган эди. Соддаликим курсин, бир оғиз исминини ҳам сўрамабман-а?

Ташвишланишга ҳожат йўқ экан. Кейинги кунлару ойларда ҳам у киз билан тез-тез “тасодифан” учрашиб қоладиган бўлдик. Башоратчилар ваъда қилган “бахт қуши” шумикин, деган ўйлар тинчлик бермай қўйди менга.

Шундай кунларнинг бирида “Сиз ўз идеалингиздаги кизни топдингиз. Уни қадрланг. Бахтингизни кўлдан чиқарманг”, деган башоратни ўқиб қолдим. Оёғимни қўлга олиб гул бозорига чопдим. Энг катта ва чиройли гулдастани сотиб олиб, унинг йўлини пойладим. Унинг хайратдан катта-катта очилган кўзлари, кейин гулдастани бағрига босиб мулоим жилмайишини кўз олдимга келтирганимда ўзимни осмону фалақда учиб юргандек ҳис қиламан. Айниқ-

олишни унутманг. Хасислик қилманг. Сизни қўли очик деб ўйлаяпти”, деган ёзувни ўқиб қолдим. Туғилган кунини қандай сўрашни билмай турганимда яна омадим чопди. Музқаймоқ еб ўтирган жойимизда телефони жириглаб қолди. Сумкасидан телефонини олганда кўшилиб чиққан паспортини стол устида қолдириб, менга “узр” ишорасини қилиб, нарига бориб анча гаплашди. Шу пайт билингирмасдан паспортни олдимда туғилган кунига қарардим. Сал бўлмаса кеч қолар эканман. Совға-саломни қуюқ қилдим, кўнглим жойига тушди.

Ҳаммаси бир чиройли кетаётган эди. Бирок нимадир сабаб бўлиб орага совуқчилик тушди. Қиз корасини кўрсатмай қўйди. Ўзимнинг кўнглим қолиб, таътилга чиқсақ, қишлоққа бориб онам топиб қўйган киз билан тақдиримни боғласамми, деб юрган кунларимда чиққан башорат яна тинчимни ўғирлади. “Аразлашиб юрманг. Бахтингизни бой берасиз. Боши берк кўчага кириб қолишингиз мумкин”, деб ёзилган эди. “Худо асрасин” дедим-у “йўл” қидира бошладим.

Узоқ қидиришга ҳожат бўлмади. Яна ўша мен ҳар жума кун борадиган кутубхонанинг олдида “тасодифан” учрашиб қолдик. У ҳам башоратни ўқиган, шекилли, араз-гиналарни унутгандай илиқ қаршилади. Менинг ҳам соғинган ташна қалбим паст-баланд эски гапларни эслаб, эслатиб ўтиришга имкон бермади. Сухбатимиз ўз-ўзидан қўр олди. Кўнглим осмондаги қора булутлар тарқалиб, дилим равшанлашди.

Яна бир гал учрашганимизда киз уйдан совчиларнинг кети узилмаётгани, ота-онаси уни узатиш таралдудига тушганлари ҳақида гапириб қолди. Бошим қолди. Ўзимча ҳар хил режалар туза бошладим. Одатлашиб қолганимдек, тўғри йўлни яна башоратлардан изладим.

Яна бир гал “Яқин кишининг туғилган кунига совға

олишни унутманг. Хасислик қилманг. Сизни қўли очик деб ўйлаяпти”, деган ёзувни ўқиб қолдим. Туғилган кунини қандай сўрашни билмай турганимда яна омадим чопди. Музқаймоқ еб ўтирган жойимизда телефони жириглаб қолди. Сумкасидан телефонини олганда кўшилиб чиққан паспортини стол устида қолдириб, менга “узр” ишорасини қилиб, нарига бориб анча гаплашди. Шу пайт билингирмасдан паспортни олдимда туғилган кунига қарардим. Сал бўлмаса кеч қолар эканман. Совға-саломни қуюқ қилдим, кўнглим жойига тушди.

Ҳаммаси бир чиройли кетаётган эди. Бирок нимадир сабаб бўлиб орага совуқчилик тушди. Қиз корасини кўрсатмай қўйди. Ўзимнинг кўнглим қолиб, таътилга чиқсақ, қишлоққа бориб онам топиб қўйган киз билан тақдиримни боғласамми, деб юрган кунларимда чиққан башорат яна тинчимни ўғирлади. “Аразлашиб юрманг. Бахтингизни бой берасиз. Боши берк кўчага кириб қолишингиз мумкин”, деб ёзилган эди. “Худо асрасин” дедим-у “йўл” қидира бошладим.

Узоқ қидиришга ҳожат бўлмади. Яна ўша мен ҳар жума кун борадиган кутубхонанинг олдида “тасодифан” учрашиб қолдик. У ҳам башоратни ўқиган, шекилли, араз-гиналарни унутгандай илиқ қаршилади. Менинг ҳам соғинган ташна қалбим паст-баланд эски гапларни эслаб, эслатиб ўтиришга имкон бермади. Сухбатимиз ўз-ўзидан қўр олди. Кўнглим осмондаги қора булутлар тарқалиб, дилим равшанлашди.

Яна бир гал учрашганимизда киз уйдан совчиларнинг кети узилмаётгани, ота-онаси уни узатиш таралдудига тушганлари ҳақида гапириб қолди. Бошим қолди. Ўзимча ҳар хил режалар туза бошладим. Одатлашиб қолганимдек, тўғри йўлни яна башоратлардан изладим.



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент-100066, Бунёкдор кўчаси, Адиблар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

E-mail: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



Бош муҳаррир ҲУМОЮН АКБАРОВ

Тахриратга келган кўғизлар тахсил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нукта назардан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир ШУҲРАТ АЗИЗОВ
Саҳифаловчи Нигора ТОШЕВА
Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган. Адади - 1007. Буюртма Г - 1038. Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2. Нашр кўрсаткичи - 222. Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ Сотувда нархи эркин.

